АЛИШЕР НАВОИЙ – МАРСИЯНАВИС

А.Ғаниева

Рассматривая жанровый состав лирики Алишера Навои, автор статьи анализирует поминальные стихи - марсия и утверждает, что данный жанр может быть выделен как отдельный в наследии поэта.

Considering genre structure of Alisher Navo'i lyrics, the author of the article analyzes death poems - marsia and asserts, that the given genre can be allocated as separate in the legacy of the poet.

Навоийшуносликка оид айрим тадқиқотларда Алишер Навоий лириканинг 16 жанрида муваффақият билан ижод қилгани айтилади. Ўз даври учун ҳам, кейинги даврлар учун ҳам ноёб бўлган бу ҳодиса дастлаб Алишер Навоийнинг ўзи томонидан қайд қилинган. Шоир ўзи томонидан тартиб берилган илк девон – "Бадоеъ ул-бидоя"нинг дебочасида шундай ёзади: "Яна **маснавий** била **қасойид**дин бошқаким, иншооллоҳ, алар доғи ҳар қайси бошқа мужаллад бўлғай, ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо **мухаммас**лар, барча равоносо **мусаддас**лар, барча ситтазийнат; барча муфид **рубоиёт**, барча латофатомиз; ва нофиъ **муқаттаот**, барча манфаатангиз; ва дилпазир **мустазод**лар ...; ... ва беназир **фар**длар... ; ва номий **муаммо**лар ...; ва киромий **луғз**лар ...; ва мусалсал **таржиъ**лар...; ва муътадил **туюғ**лар – барча туркий услуб бу абъёт зайлида мухайял ва бу ашъор хайлида музайял бўлди" [4, 22-23]. Шоир девоннинг асосий жанри бўлган ғазалдан ташқари яна 12 лирик жанрни санаб ўтган.

Алишер Навоийнинг шеърий жанрлар тараққиётидаги беназир хизматлари у яшаган даврдаёқ бошқалар томонидан ҳам эътироф этилган. Жумладан, Ғиёсиддин Хондамир ўзининг "Макорим ул-ахлоқ" асарида шундай ёзади: "Шеърнинг бир қанча тури бор: ғазал, қасида, қитъа, рубоий, маснавий. Шоирларнинг бир хиллари ўзларида қобилият кўплигига кўра буларнинг ҳамма турида шеър айтганлар ва баъзилари иқтидорларининг озлигидан бу турларнинг баъзисини тажриба қилиш билан кифояланганлар. Олий ҳазратнинг маҳорати юқорида баён этилган турларнинг ҳаммасида шундай даражада эдики, агар илгари ўтмиш шоирлар унинг муборак замонида бўлсалар эди, сўзлаш дафтарини йиғиштириб қўйиб, дунё теварагидан унинг фазилат уйининг остонасига қараб югурар эдилар" [6, 35].

"Хазойин ул-маоний"нинг дастлабки танқидий матнини тайёрлаган устоз навоийшунос олим, профессор Ҳамид Сулаймоннинг "Ғаройиб уссиғар" девонидан ўрин олган кириш мақоласида тўрт девонда мавжуд лирик жанрларга оид жадвал ҳам келтирилган [7, 14]. Бу жадвалга кўра Навоий ижод қилган лирик жанрлар 16 та бўлиб, улар орасида марсия йўқ.

Профессор Ҳамид Сулаймон 1971 йилда "Адабий мерос"да Алишер Навоийнинг темурий шаҳзодалардан бири бўлган Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига бағишлаб ёзган таркиббанд-марсиясини эълон қилади. Кириш мақоласида эса асарни таркиббанд эмас, марсия деб атайди: "Шоҳ Ғариб Мирзо марсиясининг биз эълон қилаётган ягона нусхаси "Хазойин ул-маоний"нинг Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтидаги энг мўътабар нусхаларидан бири бўлган қўлёзма таркибида етиб келган" [8,176]. Ҳаволада шундай изоҳ ҳам берилган: "Хазойин ул-маоний" мазкур қўлёзмасининг тўлиқ фотонусхаси менинг шахсий кутубхонамда мавжуд бўлиб, мен ундан 1956-1960 йиллардаги Навоий лирик мероси устида олиб борган текстологик тадқиқотларимда мукаммал фойдаланганман. Қаранг: Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний, тўрт жилдда, Тошкент, ЎзРФА нашриёти, 1958-1960" [8, 176].

Аммо Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига бағишлаб ёзилган марсия "Хазойин ул-маоний"нинг профессор Ҳ.Сулаймон нашрида эълон қилинмаган; бу ҳолатни олимнинг ўзи шундай изоҳлайди: "Совет Иттифоқи ва чет эл шарқ қўлёзма фондларида мавжуд бўлган Навоий қўлёзмалари таркибида ҳозиргача учрамаган бу марсиянинг ягона нусхасини биз 1958 йил Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик шўъбаси (ҳозирги вақтда Шарқшунослик институти)да 1990 рақами остида сақланаётган қўлёзмадан топган эдик. Марсиянинг яна бошқа ишончли нусхалари топилганида турли нусхаларни қиёсан ўрганиб, сўнгра эълон қилиш нияти бор эди. Сўнгги 12 йил ичида Навоий қўлёзмаларини излаш ва ўрганиш соҳасида олиб борилган текширишларда Ғариб Мирзо вафотига ёзилган марсиянинг бошқа бирорта ҳам нусхаси топилмади" [8,175]. Бундан маълум бўладики, марсиянинг Душанба нусхаси ягона бўлиб, асарнинг бошқа нусхалари мавжуд эмас.

Профессор Натан Маллаев "Ўзбек адабиёти тарихи" китобида Ҳамид Сулаймон тадқиқотига асосланиб Навоий лирикаси жанрлари сонини 16 та деб кўрсатган бўлса-да, "Хазойин ул-маоний" девонла-

ри хронологияси нисбийлиги ҳақида гапира туриб, шоирнинг яқин дўсти ва устози Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишлаб ёзган маснавий-марсиясини ҳам эслаб ўтади [2,435]. Хўш, бу қайси шеър эди?

"Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг 1974 йил 1-сонида навоийшунос олима Суйима Ғаниева томонидан "Алишер Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашер вафотига ёзган марсияси" номли мақола эълон қилинган. Бу мақолада Алишер Навоийнинг устози ва маънавий отаси Саййид Ҳасан Ардашер вафотига ёзган марсияси ҳақида сўз боради. Бу асар "Наводир уш-шабоб" девонига "Марсия" сарлавҳаси остида эмас, "Тарккиббанд" деб киритилган. Шунинг учун ҳам "Хазойин ул-маоний"даги жанрлар жадвалида марсия кўрсатилмаган.

Профессор Ҳ.Сулаймоновнинг Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига ёзилган марсия ҳақида 1971 йилда эълон қилинган юқоридаги мақоласида шундай фикр бор: "Бу шоирнинг Абдураҳмон Жомийга ёзган форсий марсиясидан сўнг бизга маълум бўлган иккинчи марсия бўлиб, ўзбек тилида яратилгандир" [8,177].

С.Ғаниева бу фикрга эътироз билдириб ёзади: "Ваҳоланки, Навоийнинг "Хазойин ул-маоний"си таркибидаги иккинчи девони "Наводир уш-шабоб"да (уни Ҳ.Сулаймоновнинг ўзи нашрга тайёрлаган) тарккиббанд формасида бир шеър бор. Ҳар банди 8 байтли 7 банддан иборат бу асар шоир ҳаётида муҳим роль ўйнаган, отасидан кейин унинг тарбиясига бош қўшган меҳрибон отахони Саййид Ҳасан Ардашер вафоти муносабати билан ёзилган марсиядир" [1 ,14].

Профессор Раҳмонқул Орзибековнинг "O'zbek lirik she'riyati janrlari" китобида ҳам, "Адабий меросимиз сеҳри" китобида ҳам Алишер Навоийнинг 5 та девонида ("Девони Фоний" билан) мавжуд лирик жанрларга оид жадвал берилган. Бу жадвалларнинг биринчисида жанрлар сони 18 та, иккинчисида эса 19 та деб кўрсатилган. Ҳар иккала жадвалда ҳам марсия жанри бор бўлиб, Навоий томонидан 1 та марсия ёзилгани ("Девони Фоний"да) қайд этилган. Демак, Р.Орзибеков Навоийнинг ўзбек тилидаги марсияларини назарда тутмаган. Абдураҳмон Жомий вафотига бағишлаб ёзилган марсия "Девони Фоний"да марсия сарлавҳаси остида [5, 14-28], бундан ташқари "Хамсат ул-мутаҳаййирин" таркибида ҳам эълон қилинган [3, 79-85].

Юқоридагиларнинг барчасини умумлаштирсак, Алишер Навоий ўзбек тилида 2 та, форстожик тилида 1 та – жами 3 та марсия ёзгани маълум бўлади:

1. Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишлаб ёзилган марсия.

2. Шоҳ Ғариб Мирзо вафотига бағишлаб ёзилган марсия.

3. Абдураҳмон Жомий вафотига бағишлаб ёзилган марсия.

Алишер Навоийнинг ўзбек тилида ёзилган икки марсиясидан қайси бири олдин ёзилган – ҳозирча маълум эмас. Чунки Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишланган марсия ҳижрий 894, мелодий 1488/89 йилларда – унинг вафоти йилида ёзилган [3, 216]. Шоҳ Ғариб Мирзонинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас [8, 175], аммо XV аср охирларида ўлган деб тахмин қилинади [8, 175].

Форсий марсия эса Абдураҳмон Жомий вафоти этгандан сўнг – тахминан 1492 ёки 1493 йилда ёзилган; чунки Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Жомий вафотига бир йил тўлиши муносабати билан катта маърака ўтказилгани, бу маъракада жуда кўп шоирлар томонидан ёзилган таърихлар ўқилганини ёзади ва дейди: "Ул жумладин ҳуруф роқими (яъни Алишер Навоий – А.Ғ.) бу марсия била таърихни айтиб, йил оши тортарда Султони Соҳибқирон олий мажлисларида ўткарди ва ҳукм бўлдиким, Мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди" [3, 79]. Марсия устоз вафотидан сўнг дарҳол ёзилиб, бир йилдан кейин ўқилган бўлиши ҳам, ёки йил оши арафасида ёзилган бўлиши ҳам мумкин.

Алишер Навоийнинг учала марсияси ҳам тарккиббанд шаклида ёзилган. Тарккиббандда ғазал шаклидаги бандлардан сўнг ўзаро қофияланган икки мисра келади. Қофияланиш қуйидагича: *аа ба ва га... зз / аа ба ва га ... жж.* Тарккиббанд катта ҳажмли асар бўлиб, кенг миқёсли лирик кечинмаларни тасвирлаш учун қулайдир.

Алишер Навоий бу уч марсияни турли йилларда ёзган бўлишига қарамасдан, уларнинг ҳар учаласи учун ҳам бир хил вазн танлайди. Аслида мумтоз поэтика қоидаларига кўра марсия жанрида вазн чегараланмаган. Учала марсия ҳам рамали мусаммани махбуни маҳзуф (фоилотун фаилотун фаилотун фаилун. Парадигмаси: - V - - / VV - - / VV - - / VV -) вазнида ёзилган.

Профессор Баҳодир Саримсоқовнинг ёзишича, Алишер Навоий давригача туюқ, рубоий, қитъа каби турли лирик жанрларнинг вазни, қофияланиши, композициясида турличалик мавжуд бўлган. Алишер Навоий ўз ижоди ва илмий тадқиқотлари билан мумтоз лирик жанрларнинг қонун-қоидаларини канонлаштирди. Шундан кейин ҳар бир жанрнинг шаклий ва мазмуний чегаралари анчагина аниқлик касб этди [9]. Кўринадики, Алишер Навоий марсиянинг ҳам қоидаларини қатъийлаштиришга ҳаракат қилган. Яъни у марсия учун фақат бир хил вазн ва шакл танлаган. Бу эса шоир марсияларнинг фақат мазмунига эмас, шаклий жиҳатларига ҳам катта масъулият билан ёндашганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий марсиялари композицион жиҳат-

дан жуда мукаммал. Аввало, мазмунда якпоралик устивор. Яъни бирор бандда мазмун-мундарижа такрорланмайди, ҳар бир бандга маълум бир ҳолат асос қилиб олинади-да, шу ҳолат ривожлантирилади. Бундай тадриж фақат банднинг ўз ичида бўлмай, бандлар аро ҳам сақланади. Масалан, қуйидагича:

Саййид Ҳасан Ардашер марсияси

1-банд. Дунёнинг бебақолиги.

2-банд. Дунёда шодлик ва ғам-аламнинг ёнма-ён юриши.

3-банд. Саййид Ҳасан Ардашернинг жаннатга йўл олиши ва фоний дунёда қолганларнинг мотам чекиши.

4-банд. Саййид Ҳасан Ардашер мадҳи.

5-банд. Саййид Ҳасан Ардашернинг бу дунёда чеккан уқубатлари ва у дунёда фароғатга ноил бўлиши.

6-банд. Устознинг беморлиги ва вафоти чоғида ёнида бўлолмаган Навоийнинг ўкинчи.

7-банд. Якун: фоний дунёдан умид тутмаслик ва этак силкиш.

Шоҳ Ғариб Мирзо марсияси

1-банд. Шоҳ Ғариб Мирзонинг бу дунёдан у дунёга рихлат қилиши.

2-банд. Шоҳнинг изтироблари.

3-банд. Маликанинг изтироблари.

4-банд. Мамлакат ва саройдаги мотам манзараси.

5-банд. Шоҳ Ғариб Мирзо вафоти – бутун мамлакат аҳлининг мотами сифатида.

Абдураҳмон Жомий марсияси

1-банд. Дунёда уқубат устига уқубат келиши.

2-банд. Абдураҳмон Жомийнинг у дунёга кетиши ва унинг илоҳий борлиқда малаклар томонидан кутиб олиниши.

3-банд. Жомий вафотининг бу дунёда қолганлар учун катта йўқотиш эканлиги. Қариндошлар, шогирд ва яқинларнинг аҳволи.

4-банд. Жомийни сўнгги манзилга кузатиш.

5-банд. Марҳумни қабрга қўйиш. Марҳум руҳининг илоҳий борлиққа кўчиши.

6-банд. Жомийни йўқлаш.

7-банд. Якун. Бу якунда шоир юқоридаги бандларда берилганларни махтасар хулосалайди. Яъни, умрнинг ортга қайтмаслиги, Жомийнинг олам ягонаси бўлганлиги, шоҳ ва бошқаларнинг ғам-андуҳ чекиши, Жомийнинг жаннатмакон бўлиши, умрни яхши ишларга сарфлаш.

Марсиялар композициясида бошқа хусусиятлар ҳам бор.

Саййид Ҳасан Ардашер марсияси 1-бандида матлаъ ва мақтаъдан ташқари барча байтларда изчил равишда табиат ва жамият ҳодисаларини бир-бирига қиёслаш орқали дунёнинг бевафолигини асослай боради. 2-бандда ҳам шу изчиллик давом этади: инсон ҳаётида яхшилик ва ёмонликнинг келиши қуйидаги шаклда ифода этилади: “кимки вафодор бўлса, золи гардун унга жафо қилади”, “бир кун ҳаётингни висол қуёши ёритса, ортидан дарҳол ҳижрон туни келади”, “шодлик майини ичган кимсанинг қисматида азоб-уқубат қуйқасини ютиш ҳам бор ва ҳ.к.” 3-бандда бу изчиллик Саййид Ҳасан Ардашернинг жаннатдаги фароғати ва бу дунёда қолганларнинг уқубати тасвири шаклида давом этади.: “устоз жаннат сари азм этди, аммо фироқида одамларга дўзах нималигини кўрсатиб қўйди”, “у бақо мулкига кетди, лекин азасида фано аҳлига юз алам намоён қилди”, “кўзини ҳурлар юзининг шуъласидан ёритди, лекин мотами ёруғ дунёни қоронғу қилди” каби. 4-бандда йўқлов шаклида Саййид Ҳасаннинг мадҳи келади. 5-бандда Саййид Ҳасаннинг у дунёда эришган мартабаси бу дунёда чеккан уқубатларига қарши келтирилади:

Сенгаким равзаи ризвонда фароғат бўлғай,
Даҳр вайрон чамани ичра не улфат бўлғай.
Сенки кавсар суйидин қилғасен ўзни хароб,
Бу сароб ичра санга қайда иқомат бўлғай.

Худди шундай қиёс банд охиригача давом этади.

3-, 4-, 5-бандларда қаторасига устоз мадҳи етакчилик қилади, аммо шоир турли шакллар(йиғи, йўқлов, қиёс)дан фойдаланади. Юқоридаги каби изчиллик 6- ва 7-бандларга ҳам хосдир. Устозга ҳурмат, марҳумни хотирлаш этикаси ва юксак маърифатли шахснинг маданияти туфайли Навоий 6-бандга келибгина ўзининг шахсий ўкинчларини ифода этади.

Шоҳ Ғариб Мирзо марсиясида шаҳзоданинг мадҳидан кўра, бу ўлимнинг шоҳ хонадони учун ҳам, мамлакат аҳли учун ҳам катта йўқотиш сифатидаги тасвири етакчилик қилади. Алишер Навоий реализм позициясида туриб, ана шундай нозик усул билан шаҳзодани ортиқча, сохта мадҳ этишдан сақланади.

Жомий марсияси жуда баланд пардаларда ёзилган. Бу марсияда композицион бутунлик ва изчиллик тасвирнинг инсон вафотига дахлдор маросимларнинг ўтказилиши тарзига мувофиқлиги орқали таъминланган. Бу марсияда композициянинг ўзига хослиги шундаки, шоир муайян бандда қайси ҳолатни асос қилиб олмасин, кириш характеридаги 1-банддан ташқари барчасида Жомий мадҳи устиворлик қилади.

Марсиялар яратилган пайтда Алишер Навоий ижодий жиҳатдан балоғатга етган, “Хамса”дай буюк асар ижод қилган, уч девон тартиб берган донгдор шоир эди. Шунинг учун ҳам Навоий марсиялари бадиий жиҳатдан жуда юксак бўлиб, маълум системавийликка, чуқур ҳаётий асосга эга.

Адабиётлар:

1. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашер вафотига ёзган марсияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1974.- №1
2. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1963.
3. Навоий А. МАТ. 20 томлик. 15-том. – Т.: Фан, 1999.
4. Навоий А. МАТ. 20 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1987.
5. Навоий А. МАТ. 20 томлик. 20-том. – Т.: Фан, 2003.
6. Орзибеков Р. Адабий меросимиз сеҳри. – Самарқанд, 2006
7. Сулаймон Ҳ. “Хазойин ул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Навоий Алишер. Хазойин ул маоний. 1-том. Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1960.
8. Сулаймон Ҳ. Алишер Навоийнинг Ғариб Мирзо вафотига ёзган марсияси // Адабий мерос. – Т.: Фан, 1971.
9. Саримсоқов Б. Алишер Навоий ва шеърий канонлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004.- № 1

Тошкент давлат шарқшунослик институти
2010 йил 16 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Қуронов)